2

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (13.298)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов – 2016

ЕХҲТ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ ЭКСПЕРТЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

2016 йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИҲБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Комиссиянинг ЕХҲТ ДИИҲБ билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 21 октябрида ДИИҲБ томонидан эълон қилинган ҳисоботда айтилганидек, Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Учрашувда ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси фаолияти, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни пойтахтимизда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш тадбирини бошлаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги миссия пойтахтимизда 17 нафар кузатувчи эксперт ҳамда ҳудудларда фаолият кўрсатадиган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчидан таркиб топиши маълум қилинди. Бундан ташқари, сайлов куни ДИИҲБ 250 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни жалб қилиши режалаштирилган. Кузатувчи ва экспертлар ЕХҲТнинг 21 аъзо мамлакатидан жалб қилинади.

Узоқ муддатли кузатувчилар гуруҳи аъзолари мамлакатимизга шу йилнинг 5 ноябрь куни кела бошлайди, қисқа муддатли кузатувчилар 2-6 декабрь кунлари фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Сайловни кузатиш миссияси сайловни баҳолашда ЕХҲТ мажбуриятлари, демократик сайлов ўтказилишининг халқаро стандартлари ва талаблари ҳамда миллий қонунчиликка таянади. Кузатувчилар сайлов кампанияси тадбирларини, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини кузатади. Экспертлар сайлов тадбирлари оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини мониторинг қилиб боради.

Кузатув давомида миссия тегишли давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, номзодлар, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари ҳамда дипломатик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

Сайлов куни кузатувчилар сайлов участкаларининг очилиши, овоз бериш жараёни, овозларни санаш ва унинг натижаларини тақдим қилиш жараёнларини кузатади. Миссиянинг дастлабки натижа ва хулосалари бўйича ҳужжат сайловдан бир кун ўтиб чоп этилади.

Бюро экспертлари 2015 йилнинг декабрь ойида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини алоҳида қайд этди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок эта олишини енгиллаштириш мақсадида Президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сонининг қисқартирилгани, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва жараёни мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланишига бир кун қолганида ташвиқот қилинмаслиги, бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таомили, сайловолди ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилиши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оид масалаларни тартибга соладиган ҳужжатлар янгиланган ҳам таъкидланди.

Тадбирда миллий сайлов қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, қолаверса, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини халқаро стандартларга мувофиқ очиқ ва ошкора ўтказишга тайёр эканини эътироф этган ҳолда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун ўзининг тўлақонли миссиясини юборишга қарор қилгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

(ЎзА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

САНОАТЧИЛАР ФОРУМИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунланди.

Бу ерда ўзаро манфаатли битимлар тузиш имконияти мавжудлиги боис ўтган йилги форумда саноат кооперацияси асосида маҳсулот харид қилиш бўйича 11,8 триллион сўмлик, экспорт бўйича 8,3 миллиард долларлик шартномалар тузилган эди. Жорий йилда маҳсулот сотиб олиш бўйича шартномалар қиймати ўтган йилги кўрсаткичдан қарийб 1,16 марта ошди. Бу мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга халқаро миқёсда талаб ортиб бораётганидан далолатдир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий форум маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг янги тур ва йўналишларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Кооперация биржаси иштирокчилари ривожланиш истиқболларини белгилаш, келгуси йил учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда ўтказилди. Жорий йилнинг март-июнь ойларида ҳудудларда ташкил этилган ўн учта ана шундай тадбирда 5 мингдан ортиқ саноат корхонаси қатнашди. Улар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ҳамда саноат кооперацияси борасида миқдори бир триллион сўмликдан кўпроқ шартномалар имзоланди. Тоғ-кон ускуналари, боғдорчиликка мўлжалланган мини-тракторлар, электр генераторлари, тиббиёт жиҳозлари, юқори сифатли мой ва керамика маҳсулотлари ва бошқа таклифлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчи босқичда мамлакатимизнинг қарийб уч мингдан ортиқ корхона, компания ва ташкилотлари томонидан машинасозлик, автомобилсозлик, электр техникаси, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат, енгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқларнинг 22 мингдан зиёд номдаги тайёр маҳсулотлари, бутловчи буюмлар ва материаллари тақдим этилди. Уларнинг мингдан зиёди янги ўзлаштирилган.

– Корхонамизда кооперация асосида паст ва юқори кучланишли кабеллар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди Сергели туманидаги "RroCab" қўшма корхонаси бўлим бошлиғи Рустам Абдураҳмонов. – Бир ойда бир ярим минг километрдан кўпроқ турли ўлчам ва кўринишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Доимий ҳамкорларимиз қурилиш корхоналари ҳисобланади. Икки йилдан буён Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этиб, янги ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Жорий йилда ўттиздан зиёд шартнома туздик.

(Давоми 2-бетда)

АҲОЛИНИНГ ЮКСАК САЙЛОВ МАДАНИЯТИ ВА ФАОЛЛИГИ – ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

2016 йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида "Аҳолининг юксак сайлов маданияти ва фаоллиги – демократик сайловларнинг муҳим омили" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари, шунингдек, видеоконференцалоқа орқали округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва миллий маданият марказлари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор ва бошқалар Ўзбекистонда мустақил сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда фуқароларнинг жамият ва давлат ишлари бошқарувида иштирок этиши, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилгани, сайлов қонунчилиги илғор хорижий тажрибага, халқаро сайлов стандартларига мос равишда изчиллик билан такомиллаштирилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 21 миллион 435 минг сайловчи бўлиб, уларнинг 10 миллион 825 мингдан зиёди хотин-қизлар, 555 мингдан ортиғи сайловда биринчи марта овоз бераётган ёшлардир.

Тадбирда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, ногиронлар, қамоқда сақлаш жойларида сақланаётган фуқароларга сайлов жараёнида уларнинг сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда яратилаётган шароитлар ҳақида фикр алмашилди.

Мазкур йўналишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳам тизимли ва режали ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий ва сайлов маданиятини янада юксалтириш бўйича асосий тадбирлар режаси тасдиқланган.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов кампанияси жараёнлари ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тилда чоп этилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайлов участкаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

● Бухорода "Мустақиллик ва диний қадриятлар ривожи" мавзусида республика анжумани ўтказилди. Анжуман иштирокчилари Баҳоуддин Нақшбанд асарларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, у зотнинг ёдгорлик мажмуасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Бухоронинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

● Сурхондарё вилоятида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

● Термизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати иштирокчиларига миллий қонунчилигимизга асосан бола ҳуқуқларини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларида замонавий шароитлар яратиш, молиялаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, бола шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим тамойиллари каби мавзулар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

● Навоийда "Навоий кон-металлургия комбинати" тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши: ютуқ ва натижалар" мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи вакиллари ҳамда 24 мамлакат делегатлари Антарктидада дунёдаги энг йирик денгиз қўриқхонаси яратилишини тасдиқлашди. Унинг майдони 1,55 миллион квадрат километрдан ортиқ бўлиши режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу ҳудудда 35 йил балиқ овлаш тақиқланади. Келишувнинг 2017 йилнинг 1 декабрдан кучга кириши кўзда тутилган.

● ФИФА футбол бўйича 2018 йилги жаҳон чемпионатини ўтказиш қоидаларига ўзгаришлар киритди. Яъни, гуруҳ босқичида очколар тенг келиб қолса, биринчи навбатда тўплар нисбати, иккинчи навбатда ўзаро ўйинлар натижаси ва кейин фэйр-плей рейтинги ёки сариқ ва қизил карточкалар сони ҳисобга олинади. Иккинчи ўзгаришга кўра ҳар бир жамоада дарвозабоннинг исми ва рақам ёзилмаган заҳира формаси бўлиши талаб этилади. Учинчи ўзгаришга кўра, ЖЧ ғолибига бош совринни фақат мезбон мамлакатнинг президенти топширади.

● Сомали қароқчилари 2012 йил февралда қўлга олган 26 нафар кишини озод қилишди. Маълумотларга кўра, озод этилган асирлар Хитой, Филиппин, Камбоджа, Индонезия ва Вьетнам фуқароларидир. Улар Сейшел ороли яқинида қароқчилар ҳужумидан сўнг чўкиб кетган кема йўловчилари экан. Кема капитани ҳужум чоғида ҳалок бўлган, икки асир эса туткунликда ҳаётдан кўз юмган.

Сайлов – 2016

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96 ва 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайловларга жойларда юксак даражада тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнининг демократик тарзда ташкил этилишида мамлакатимиз мустақил сайлов органлари тизимини шакллантириш, шунингдек, комиссия аъзоларининг эл орасидаги обрўси ва салоҳияти, ҳаётий тажрибаси, малакавий хусусияти ва ташкилотчилик қобилиятлари, энг муҳими, ишларида қонун устуворлиги принципларига оғишмай риоя қилишлари каби омиллар катта аҳамиятга эга бўлади. Зеро, бундай халқчил сайлов комиссиялари тизимини тузишдан ҳам кўзланган асосий мақсад – сайловларни очиқ ва шаффоф, эркин ва демократик тарзда объектив ўтказишдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЭРКИНЛИК ВА ҚОНУНИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ЎТАДИ

бу эса кўп жиҳатдан участка сайлов комиссияларининг самарали фаолияти орқали таъминланади

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар негизида мамлакатимизда энг демократик талаб ва умумэътироф этилган халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир кишининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими яратилди. Чунки, демократик ҳуқуқий давлатда сайлов институти халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг ва фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишининг реал механизми ҳисобланади.

Айтиш керакки, бизда Президент сайловларини конституциявий мезон ва принцип, сайлов нормаларига тўлиқ риоя этган ҳолда очиқ ва ошкора, ҳар қандай таъсирлардан холис ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, эркин ва адолатли тарзда ўтказишни таъминлаш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган. Бунда миллий сайлов тизимимизнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, сайловларнинг очиқ ва ошкора тарзда, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилишини ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссиялари фаолият кўрсатади.

Бу жиҳат, бизнинг мамлакатимизда Парламентлараро Иттифоқ кенгаши томонидан 1994 йил 26 мартда қабул қилинган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида"ги Декларациядаги "барча давлатлар демократик мақсадларга босқичма-босқич эришиш ҳамда мустаҳкамлаш учун сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида, шу жумладан, мустақил, холис ва барқарор механизмлар яратиш бўйича зарур сиёсий ва институционал чора-тадбирлар кўришлари зарур", деган муҳим талабнинг сайлов қонунчилигимизда ўз амалий ифодасини тўлиқ топганини кўрсатади.

Бундан ташқари, мустақил Ўзбекистоннинг сайлов комиссиялари тизими ўз ҳуқуқий мақоми, функцияси ва фаолиятининг мазмунига кўра, собиқ шўролар давридаги сайлов комиссияларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, ўша даврдаги сайлов комиссияларининг "ягона партия" белгилаган таркибда тузилиши, унинг кўрсатмаси ва қатъий назорати остида номзодлар кўрсатиши ва рўйхатга олиши, сайловолди ташвиқоти, овоз беришнинг ташкил этилганлиги ҳамда қандай тартибда овозлар ҳисобланиб, натижалар аниқланганлигини эслашнинг ўзи кифоядир.

Шукрки, чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида яратилган миллий сайлов тизимимиз энг илғор демократик ғоя ва қоидаларни ўзида мужассам этган. Бунга сайловларимизнинг том маънодаги кўппартиявийлик, сиёсий партия ва номзодлар ўртасидаги тортишувчанлик, ошкоралик, фикрларни эркин билдириш каби хусусиятлари, энг асосийси, ҳар бир сайловчи муносиб деб, ўзи танлаган номзодга онгли равишда овоз бериш имкониятига эга бўлаётганликлари фикримизнинг яна бир далилидир.

Шубҳасиз, сайловларни демократик, очиқ-ошкора, эркин, адолатли ва объектив ташкил этишда сайлов комиссиялари катта роль ўйнайди. Айниқса, сайловларнинг юксак ташкилий даражада, ҳалол ва очиқ, қонун нормалари асосида ўтказилишида аҳоли билан яқиндан ишлайдиган орган, ўзига хос асосий бўғин — сайлов комиссияларининг қуйи тизими — участка комиссияларининг ўрни беқиёс. Ушбу участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқий асослари "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом" ва бошқаларда ўз аксини топган.

Сайлов комиссиялари ҳар қандай бошқа мураккаб ижтимоий тизимлар каби бир бутун яхлит ва демократик механизмни ташкил этади. Улар ўз функционал моҳиятига кўра бир қатор давлат-ҳуқуқий белгиларга эга. Аввало, улар давлат ўрнатган тартиб-тамойил ва демократик талаблар асосида шакллантирилади. Иккинчидан, улар қонунда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатлар доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ ва тўлиқ бажаради. Учинчидан, коллегиаллик асосида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши умуммажбурий ҳарактерга эга. Тўртинчидан, фаолияти давлат бюджети томонидан тўлиқ миқдорда молиялаштирилади. Бешинчидан, улар фаолияти ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар механизми билан ҳам ҳимояланган.

Булар ўз навбатида, Конституциямизнинг 2-моддасидаги "давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади", 7-моддасининг "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган энг муҳим конституциявий принципларининг сайловлар орқали рўёбга чиқишини таъминлайди. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз сайлов комиссияларининг уч поғонали тизими тузилмавий ва таркибий жиҳатдан демократик тизимлаштирилган бўлиб, ушбу органлар мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида Президент сайловини ўтказишда самарали фаолият юрита олишга қодирдир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Зарур ҳолларда тегишли участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Қонунчилигимизда участка сайлов комиссияси аъзоларининг ҳам ижро ҳокимияти иштироки ва таъсиридан ҳоли шакланишининг икки босқичли ўзига хос демократик тартиби ўрнатилган. Жумладан, сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар биринчи босқичда, жамоатчиликнинг сайлов ҳуқуқига эга обрўли вакиллари орасидан уларнинг сайлов қонунчилигининг пухта билишлари, ҳаётий тажрибаси ва малакалари, ташкилотчилик қобилияти каби омиллар асосида танланган ҳолда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Иккинчи босқичда эса, участка сайлов комиссияси таркиби яна бир бор ўрганилиб, округ сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланади.

Бу жараёнда участка сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаслиги ёки номзод ёхуд ушбу номзодларнинг ишончли вакиллари бўлмаслигига эътибор қаратилади. Жумладан, қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, унинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган сайлов комиссияси аъзоси мазкур сайлов комиссияси таркибидан чиқиб кетган ҳисобланади.

Мазкур қоида, сайловларни ташкил этишга ваколатли сайлов комиссиялари фаолиятининг холис, ушбу сайлов натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахслар томонидан ўтказилишида, участка сайлов комиссиялари фаолиятида мустақиллик принципининг таъминланишида муҳим кафолат ҳисобланади. Шунингдек, тенглик принципидан келиб чиқиб, бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин. Яъни, бир шахс бир вақтнинг ўзида бир нечта сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини амалга оширишга очиқлик ва ошкоралик принципи хосдир. Жумладан, участка сайлов комиссиялари очиқлик ва ошкоралик принципини амалга ошириш мақсадида, ўз фаолиятида аҳолини сайлов комиссиясининг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, сайловчиларни қабул қилишни ташкил этади. Тегишли тартибда участка сайлов комиссияси биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлайди, сайловчилар рўйхатини тузади ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этади. Шу билан бирга, округ сайлов комиссияларидан далолатномалар асосида сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиши, сайлов варақалари ва бюллетенларини икки нафар комиссия аъзоси имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқлаши ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни режалаштириши зарур.

Қонунчиликда участка сайлов комиссияларининг асосий ваколатлари сифатида қуйидагилар: 1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиш; 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритиш масаласини ҳал қилиш; сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиш; 3) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилиш; 4) овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлаш; 5) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш; 6) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш; 7) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳамда Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш каби ва бошқа ваколатларни амалга оширишга очиқлик ва ошкоралик принципларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Ушбу ваколатларни амалга ошириш чоғида давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдир. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Кўриниб турибдики, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир мустаҳкамланган қоидалар фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиш орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишларига, у орқали мамлакатнинг эртанги куни ва келажагига дахлдор энг муҳим масалаларни ҳал қилишда етарли ҳуқуқ ва кафолатлар берилганлиги билан ажралиб туради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз – юртимизда тўпланган тажриба асосида сайлов жараёнларини янада демократлаштириш орқали мунтазам такомиллашиб борди.

Шу тариқа, сайловга камида қирқ кун қолганида тузиладиган участка сайлов комиссияларининг мамлакатимизда демократик ва адолатли сайлов ўтказиш учун, қонунчилик принципи асосида мустақил ишлаши учун тўлиқ шарт-шароитлар таъминланганлигини, жумладан, халқаро ва миллий кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари институти, оммавий ахборот воситалари каби кучли жамоатчилик назорати остида участка сайлов комиссиялари томонидан барча ишлар халқнинг кўз олдида очиқ ва ошкора амалга оширилиши бўлажак сайловнинг энг юқори ташкилий даражада, эркин ва адолатли ўтишини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сайловлар миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиб, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Акмал РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар қизғин тус олмоқда. Барча округ ва участка сайлов комиссияларида ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш чоралари кўрилмоқда.



"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда сайлов участкаларида сайловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида уларнинг туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилиши белгилаб қўйилган. Айни кунларда сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда. Бунда ҳар бир сайлов участкасига уч минг нафардан кўп бўлмаган сайловчиларни овоз бериш учун бириктиришга эътибор берилмоқда.

Амалга оширилаётган юмушлар ва сайловга тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида Олмазор туманидаги 307-сайлов участкасида бўлдик.

Ушба сайлов участкаси "Ҳазрати имом" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Маҳаллада 2970 нафар сайловда овоз бериш ёшидаги аҳоли рўйхатга олинган. Айни вақтда сайловчилар билан яқиндан ишлаш, уларнинг сайловдаги фаоллигини ошириш мақсадида комиссия аъзолари ҳудуддаги кўп қаватли уй ва кўчаларга бириктирилди.

Давлат рамзлари қўйилган, озода ва шинам бинода жойлашган сайлов участкасида сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилаётгани яққол сезилади. Хоналар интернет тармоғига уланган компьютер, принтер, факс ва бошқа техник ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда сайловчиларнинг тўлиқ маълумот олишлари учун "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги каби қонун ҳужжатлари тўплами мавжуд.

Сайлов участкасида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури ўрин олган ташвиқот воситалари, баннерлар жойлаштирилгани сайловчиларнинг номзодлар ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишида қўл келади. Бунинг айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этадиган ёшларга қўл келиши, шубҳасиз. Овоз бериш, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари ҳам шай ҳолга келтирилган.

15 квадрат метрда жойлашган ва керакли тарзда жиҳозланган "Она ва бола" хонаси жуда ҳам шинам. Ундаги тартиб билан қўйилган каравотлар, турли катталикдаги юмшоқ ва пластмасса ўйинчоқлар, ранг-баранг кубиклар мажмуи, ёркин рангдаги эртак китоблар болажонларга манзур келишига шубҳа йўқ. Ҳаттоки, бу ерда расмлар чизишга қизиқадиган болажонлар учун рангли қаламлар ва расм дафтарлар ҳам муҳайё қилинган. Ота-оналар фарзандларини хонада навбатчилик қилаётган педагогларга қолдириб шошилмасдан, бехавотир ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдалана оладилар.

Комиссия аъзоларининг маълум қилишича, баъзи сабабларга кўра, сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилади. Яъни, қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин, ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз беришлари учун махсус кўчма қутилар ташкил қилинган. Шунингдек, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда сайловчилар, хусусан, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар ўртасида миллий сайлов қонунчилигимиз талабларини кенг тарғиб этиш, Президент сайлови ва унда иштирок этишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишларининг режаси тузилмоқда. Сайловни миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро меъёрлар даражасида ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 307-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Участка муҳим сиёсий тадбирда сайловчилар ва номзодларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, умуман, сайловни кўтаринки руҳда ўтказишга шай.

Зиёда ВОҲИДОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

"ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН, НОТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ БУЗИЛИШГА ТУШГАН ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА"ГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2014 ЙИЛ 21 НОЯБРДАГИ 953-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 245-модда), "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, 31-33-сон, 371-модда), "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1999 йил, 9-сон, 208-модда) Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 193-модда) қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан, юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар бузилиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментининг 2016 йил 17 мартдаги 375-04-сонли мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан, нотурар жой бинолари бузилишга тушган юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 21 ноябрдаги 953-сонли қарорига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.С.Раҳмонов):

Мазкур қарорнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, шунингдек юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиб борилсин.

3. Мазкур қарор "Вечерний Ташкент" ва "Тошкент оқшоми" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан қонуний кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 28 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

САНОАТЧИЛАР ФОРУМИ ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форумда Буюк Британия, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатлардаги фирма ва компанияларнинг 1 минг 300 дан ортиқ вакили юртимиз саноати салоҳияти билан танишиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар тузди. Айни пайтда улар мамлакатимизда қўшма корхона очиш истиқболларини баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлди.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, барча соҳаларга замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси корхоналари кенг экспозиция билан иштирок этди. "Sino" акциядорлик жамияти, "Фотон" давлат унитар корхонаси, "Artel" савдо белгиси остидаги компаниялар гуруҳи каби корхоналар стендлари кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Мамлакатимиз электр техника саноати сўнгги йилларда мураккаб маиший ва радиотехника маҳсулотлари – телевизорларнинг замонавий моделлари, маиший ва саноат совутгичлари, кондиционер, газ плитаси, чангютгич, энергия тежайдиган лампа, электр чойнак, дазмол ва телефон каби кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ўн кун давом этган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг элликдан зиёд марказлаштирилган тақдимотлари ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудлари тақдимотида маҳаллий ресурсларни ўзлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда саноат тармоқларининг асосий корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунида корхона, компания ва ташкилотларнинг тақдимотлари турли номинациялар бўйича баҳоланиб, фаол иштирокчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди. Ҳудудларнинг энг яхши тақдимоти номинациясида Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари пешқадамлик қилган бўлса, энг яхши тақдимот ўтказган ташкилот сифатида Навоий кон-металлургия комбинати, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти эълон қилинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири



"Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги "Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 27 октябрда 295-сонли қарор қабул қилинди.

Қарор ва ижро

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ АСОСИДА

Мазкур қарор билан Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди. Мазкур Низом "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ чиқиндилар билан боғлиқ ишларни олиб бориш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини юритувчи давлат органларининг фаолияти тартибини белгилайди.

Ушбу Низом фаолияти чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиш, қўмиш, қайта ишлаш, утиллаштириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сонли "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йил 30 октябрдаги 223-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2014 йил 31 октябрдаги 169-сонли буйруғи қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун бир қатор таклифлар киритилди, жумладан:

– Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан корхоналарда чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда амалга оширилиши;

– Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат ҳисоби, технологик тартибни, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш участкалари бўйича алоҳида рўйхатга олиш ҳужжатларини, хом ашё ресурслари ҳаракатининг моддий балансини ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, зарарсизлантириш ва утиллаштиришнинг шартномавий муносабатларини ўз ичига олувчи дастлабки ҳужжатларни юритиш;

– чиқиндиларни паспортлаштириш;

– чиқиндилар билан боғлиқ ишларни экологик сертификатлаштириш йўллари билан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлар шулар жумласидандир.

Чиқиндиларнинг эгалари бўлган юридик шахслар ва ихтисослаштирилган корхоналар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат субъектлари ҳисобланади.

Шунингдек, Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари токсик ва нотоксик, шу жумладан иккиламчи қайта ишланиши, утиллаштирилиши ва кўмилиши лозим бўлган чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратишлари белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан, 2016 йилнинг январь-февраль ойларида 2015 йил якунлари бўйича корхоналарнинг чиқиндилар тўғрисидаги жами 1 084 та 1-KB shakliga ilova (eko) ва 226 та 3-eko статистик ҳисоботларини кўриб чиқиш режалаштирилиб, амалда 1 309 та 1-KB shakliga ilova (eko) ва 238 та 3-eko ҳисоботлари кўриб чиқилди. 3-eko ҳисоботлари ўтган йилга нисбатан 8 тага, 1-KB shakliga ilova (eko) ҳисоботлари 302 тага кўп кўрилди.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан 2016 йилнинг 9 ойлик иш якунларига кўра корхоналарда чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилиши тўғрисидаги экологик норматив ҳужжатларига жами 311 та, шу жумладан, 156 та 3-категория корхоналарига, 155 та 4-категория корхоналарига экологик экспертиза хулосалари берилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида чиқиндиларни жойлаштирганлик учун 2 452 та корхоналарга 293 075,0 минг сўм компенсация тўловлари ҳисобланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 91-моддасига мувофиқ, саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун 24 нафар фуқароларга 1 285,9 минг сўм, мансабдор шахслар учун 114 та маъмурий баённомалар тузилиб, 27 285,4 минг сўм миқдорида жарима солиниб, тўлалигича ундирилди.

Экологик ҳолатнинг яхшиланишида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштиришга ихтисослашган корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катталигини эътиборга олган ҳолда, 2015 йилнинг 12 март куни Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланувчи 66 та корхоналар вакиллари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган давра суҳбати протоколига мувофиқ, мазкур корхоналар йилнинг ҳар бир чораги якунига кўра ўзлари томонидан қайта ишланган чиқиндилар ҳажми тўғрисида махсус шакл бўйича Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ҳисобот тақдим этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш бўлими томонидан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланиб келаётган 66 та корхоналарда 2016 йилнинг 9 ойида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар олинди.

Ҳисобот даврида 66 та корхонадан 46 таси ўз йўналишларида чиқиндиларни қайта ишлаш ёки утиллаштириш фаолияти билан шуғулланган бўлса, 20 таси турли сабабларга кўра вақтинча фаолият кўрсатмаганликлари ёки фаолият турини ўзгартирганликлари тўғрисида ҳисобот бердилар.

Тақдим этилган ҳисоботларга кўра, 46 та корхона томонидан жами 625 090,57 (2015 йилнинг 9 ойида 603 689,4) тонна турли чиқиндилар қайта ишланиб, истеъмолга чиқарилган бўлса, таркибида симоб токсик моддаси бўлган 136 597 (2015 йил 9 ойида 204 850) дона энергияни тежовчи лампалар демеркуризация қилиниб, 429 194,78 (2015 йил 9 ойида 387 478) тонна маиший чиқиндилар махсус полигонларда зарарсизлантирилди.

Қайта ишланиб иккиламчи истеъмолга чиқарилган жами 625 090,57 тонна чиқиндилар турлари бўйича қуйидагича тақсимланади: шиша чиқиндилари 3 270 (2015 йил 9 ойида 5 898,9) тонна; енгил саноат ва трикотаж чиқиндилари 256,19 (2015 йил 9 ойида 69,6) тонна; резина маҳсулотлари 247 605 (2015 йил 9 ойида 322 898) тонна; рангли металл парчалари 17 544 (2015 йил 9 ойида 5 363,4) тонна; қора металл парчалари 102 523 (2015 йил 9 ойида 53 717,6) тонна; пластмасса 16 735,7 (2015 йил 9 ойида 73 613,2) тонна; қоғоз чиқиндилари 8 470,8 (2015 йил 9 ойида 142 108,3) тонна; полиэтилен чиқиндилари 225 802 тонна.

Ж.ИШЧАНОВ

ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда ҳамиша долзарб масала бўлган электр хўжаликларини тартибга солиш мақсадида мунтазам равишда "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режали текширишлар ўтказилмоқда.

Режали текширувлар давомида тадбиркорлик субъектларида электр хўжалиги учун жавобгар шахс мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлган тақдирда ҳам "истеъмолчилар электр ускуналарини эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари" асосида билим синовидан ўтмаганлиги аниқланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда дунё миқёсида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб масалалардандир. Шундай экан, йирик ишлаб чиқариш ва унга тенглаштирилган корхоналарда ушбу вазифани бажариш биздан масъулиятни ҳам талаб этади.

Жорий йилнинг тўққиз ойидаги текширишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр қурилмаларни белгиланган қоидалар ва талабларга жавоб бермайдиган қониқарсиз техник ҳолатлар аниқланиб, ушбу электр қурилмалар тармоқ ходимлари томонидан электр тармоқларидан камчиликлар бартараф этилгунча узиб қўйилди.

Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида корхоналарда "Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг 11-банди талабига асосан электр хўжалиги бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим. Қоида талабларида электр хўжалиги бўйича жавобгар шахснинг асосий вазифаси – электр ва иссиқлик энергиясини тежаш, корхонада мавжуд қурилмаларни янги замонавий технологияга мос ускуналар билан алмаштириш ишларида қатнашиш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, электр ва иссиқлик энергияси заҳираларини аниқлашдаги тадбирларни тузиш, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясини солиштирма меъёрларини ишлаб чиқиш ва электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоботларини тайёрлаш ҳамда электр қурилмаларни белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туришдан иборат.

Тадбиркорлик субъектлари раҳбариятлари томонидан корхонада электр хўжалиги бўйича малакали жавобгар шахс тайинлаши хўжалик субъектларида юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнғин ҳолатларининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Шоносир АҲМЕДОВ,
"Ўздавэнергоназорат"
инспекцияси Тошкент шаҳар
бўлими инспектори

"ТОЗА ҲАВО" МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ТАДБИР

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил декабрь ойида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунининг 11-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрига кириб келадиган йирик 6 та "Эркин", "Шарқ", "Уч қаҳрамон", "Турбанов", "Келес" ва "Бектемир" постларида бир ой давомида "Тоза ҳаво" тадбирининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда қўмита қошидаги Махсус аналитик назоратга ихтисослашган лаборатория ҳисобидаги газоанализатор ҳамда тутун ўлчовчи асбоблари орқали бензин, дизель ва газ ёқилғисида ишлашга мўлжалланган автотранспортлар кўрикдан ўтказилди.

Газоанализатор ҳамда тутун ўлчовчи асбоблари Давлат стандартларидан ўтган бўлиб, махсус сертификатларга эга.

Ҳар бир постда ўртача бир кунда 100 тадан ортиқ автотранспортлар текширилган бўлиб, тадбир давомида умумий 15628 та транспортлар кўрикдан ўтказилди.

Агарда текширув натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами текширилган автоуловларнинг 7 фоизи ёки 1095 таси атмосфера ҳавосига меъёрдан ортиқча зарарли газларни ташлаётганлиги аниқланди.

Тадбир жараёнида, атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрдан ортиқча зарарли газларни чиқараётган автотранспортларнинг эгаларига ўз вақтида уловларини соз ҳолатга келтиришлари тўғрисида тавсия ва кўрсатмалар берилди, белгиланган меъёрни қўпол равишда, яъни жуда кўп миқдорда бузган автотранспортлар "Йўл патрулъ хизмати" ходимлари томонидан "автотранспортларни вақтинчалик жарима майдонига қўйиш шохобчалари"га олиб бориш ҳолатларига сабаб бўлди.

Ушбу кўрсаткич бундан 20 йил олдин 25 фоизни ташкил этган бўлиб, кўрсаткичнинг яхшиланганлигининг асосий сабабларидан бири юртимизда "EVRO-3" давлат стандартлари талабига жавоб берадиган автотранспортларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги ҳисобланади.

Шаҳримиз атмосфера ҳавосининг зарарли газлар билан умумий ифлосланиш даражасини оладиган бўлсак, атмосфера ҳавосига ташланадиган жами зарарли моддалар ва газларнинг 90 фоизидан ортиғи автотранспортларга тегишли ҳисобланади, шу сабабдан ҳам "Тоза ҳаво" тадбири жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳар биримиз, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Ана шуни ҳис этиб, ушбу масъулиятни ўз зиммамизга олсаккина биз келажак ёш авлодга соф мусаффо ҳаво ва она табиатимизнинг гўзал манзараларини асл гўзаллигича қолдирган бўламиз.

Азизбек КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи

Тошкент шаҳрида кейинги пайтларда йирик ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Йўл ўтказгичлар қурилди, кўчалар реконструкция қилинди, йўллар кенгайтирилди, янги йўллар фойдаланишга топширилди, кўчаларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

ЭКОЛОГИЯНИ ЯХШИЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 августдаги 227-сонли ҳамда 2016 йил 28 июндаги 215-сонли қарорларида белгиланган ишларни бажариш натижасида салкам 22 километрни ташкил қилувчи учинчи айланма йўл барпо этилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 122 226,9 млн.сўм молиялаштирилди.

Бунда кўчаларда қуйидаги қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди: Амир Темур хиёбонидан Мирзо Улуғбек кўчасигача давом этган Мустақиллик кўчаси, Амир Темур хиёбонидан Кулолтепа кўчасигача давом этган А.Темур шоҳ кўчаси, Ш.Рашидов кўчасидан Нукус кўчасигача давом этган Афросиёб кўчаси, Тараққиёт кўчасидан ТТЗ шоҳ бекатигача давом этган М.Улуғбек кўчаси, М.Улуғбек кўчасидан ТХАЙ гача давом этган Дўрмон кўчаси, М.Улуғбек кўчасидан Боғишамол кўчасигача давом этган Дўрмон йўли кўчалари реконструкция қилинди. Бу ишларни амалга оширишга жами 13 201,76 млн.сўм сарфланди.


ЎзА олган сурат

Беруний кўчасидан бошлаб Бўрижар каналидан ўтган кўприк орқали Оқтепа майдонигача давом этган Нурафшон кўчасининг қурилиши давом эттирилди. У.Носир ҳамда Муқимий кўчалари кесишувидан йўл ўтказгич орқали собиқ "Ташкентстилмаш" корхонаси ҳудуди бўйлаб ўтган Нукус кўчасининг давоми қурилди. М.Улуғбек кўчасидан йўл ўтказгич билан Оҳангарон йўли кўчасигача давом этган Тараққиёт кўчаси қурилди. Тараққиёт кўчаси орқали КХЙгача йўл ўтказгич реконструкция қилинди. Бу ишларни амалга оширишга Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 59 669,7 млн.сўм сарфланди. Республика бюджети ҳисобидан ажратилган 31 580,3 млн.сўмга Муқимий ва Ш.Руставели чорраҳасида йўл ўтказгич қурилди.

Трамвай линияларини демонтаж қилиш ишларидан кейин йўл қопламаларини тиклаш ишларига Тошкент шаҳар ҳокимияти маҳаллий бюджет маблағлари молиялаштирилди. Сарикўл, Меҳржон, 8 март, Эски Сарикўл кўчалари орқали Фарғона йўлигача Сайхун, Янги замон, Абдурауф Фитрат, Г.Алиев кўчалари ва Темирйўлчилар кўчаси орқали Шимолий вокзалгача қатнов қисми кенгайтирилиб реконструкция қилинди ва тегишли ҳудудларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Учтепа туманидаги Саккокий, Алмоний ва Тўқимачи кўчаларида трамвай линияларини демонтаж қилиш ишларидан кейин асфальт қопламаси тикланди. Ш.Руставели кўчасидан Оқтепа майдонигача бўлган Муқимий кўчасида ҳам асфальт қопламаси тикланди. Тошкент халқаро аэропорт ҳудудида автотураргоҳ қурилди. Мустақиллик ва Тараққиёт кўчалари кесишувидаги йўл ўтказгич, А.Қодирий ва Мустақиллик кўчалари кесишувидаги туннел, Мустақиллик ва КХЙ кўчалари кесишувидаги йўл ўтказгичлар ҳамда Дўрмон йўли кўчасидаги йўл ўтказгичлар жорий таъмирдан чиқарилди. Мазкур ишларни бажаришга 8 551,1 млн.сўм пул маблағлари йўналтирилди.

А.Темур кўчасидан Бунёдкор шоҳ кўчасигача давом этган Ўзбекистон кўчаси, Тошкент халқаро аэропортидан Ш.Руставели кўчасигача давом этган Бобур кўчаси, Бобур кўчасидан Мустақиллик кўчасигача давом этган Нукус кўчалари реконструкция қилинди. Кулолтепа кўчасидан ТХАЙ гача давом этган А.Темур шоҳ кўчаси капитал таъмирланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджет маблағларидан бу ишларга 9 843,4 млн.сўм сарфлади.

Шу ўринда эътиборингизни 2016 йил 31 март куни "daryo.uz" веб-саҳифасида чоп этилган "Тошкент транспорт муаммоларини қандай ҳал қилади?" сарлавҳали мақолага қаратмоқчи эдик.

Мақолада 28 март куни ўтказилган матбуот анжуманида Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида транспорт муаммоларининг қандай йўллар билан ҳал қилиниши тўғрисида берган интервьюсидан олинган маълумотлар келтирилган.

У ерда шундай дейилади: "... Тошкент кўчаларида автомобили транспорти миқдорининг тез суръатларда ўсиб бориши кўплаб магистрал ва чорраҳаларда тирбандликларни келтириб чиқармоқда. Ўн йил муқаддам шаҳарда 220-230 минг хусусий ва 30-35 минг ташкилотларга қарашли автомобиллар бор эди, бугун эса бу кўрсаткичлар мос равишда 340-345 минг ҳамда 70 мингни ташкил этмоқда. Қурилиш ишларининг бажарилиши натижасида шаҳар марказида бир манзилдан иккинчи манзилга бориш вақти 20-25 дақиқадан ўрта ҳисобда 15 дақиқага камайиб, 6-7 дақиқани ташкил этиши кутилмоқда. Йўл ўтказгичларнинг ташкил этилиши чорраҳаларда светофорларсиз ҳаракатни таъминлаб, автотранспорт оқимини бирмунча тезлаштиради. Ҳисоб-китобларга кўра Оқтепа майдонида автотранспорт ҳаракатининг жадаллиги соатига 10,5 минг машинани, Шота Руставели – Муқимий кўчалари чорраҳасида 11,5 минг машинани, Бунёдкор – Муқимий кўчалари чорраҳасида 8,5 минг машинани, Сағбон кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишувида 12 минг машинани ташкил этмоқда...".

Энди тасаввур қилинг, ушбу чорраҳалар орқали ҳаракатланаётган ҳар битта машинадан ўрта ҳисобда бир дақиқада 8,4 грамм турли зарарли моддалар атмосферага ташланаётгани ҳамда кўчаларда транспорт ҳаракатининг қайта ташкил этилиши натижасида бугунги кунда ўртача ҳаракат вақти 15 дақиқага камайгани инобатга олинса, бир кунда атмосфера ҳавосига ташланадиган зарарли моддалар миқдорининг 5,4 тоннага камайганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу жумладан: Оқтепа майдонида – 1,3 тоннага; Шота Руставели – Муқимий кўчалари чорраҳасида – 1,4 тоннага; ҳозирда Бунёдкор – Муқимий кўчалари чорраҳасида қурилиши бошланган йўл ўтказгичнинг ташкил этилиши натижасида – 1,2 тоннага; 2017 йилда Сағбон кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишувида қурилиши режалаштирилаётган йўл ўтказгичнинг ташкил этилиши натижасида – 1,5 тоннага камайишини кузатишимиз мумкин бўлади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг экологик нуқтаи назардан қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир карра иқрор бўламиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент темир йўл муҳандислари институти раҳбарларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш
ЖАДВАЛИ

№	Лавозими	Фамилияси, исми, шарифи	Қабул қилиш куни ва вақти
1.	Ректор	РАСУЛОВ Маруфджан Халикович	Ҳар куни (8⁰⁰-10⁰⁰)
2.	Проректор	КАРИМОВА Фируза Фузаиловна	Сешанба (15⁰⁰-18⁰⁰) Пайшанба (15⁰⁰-18⁰⁰)
3.	Проректор	БАРАТОВ Дилшод Хамидуллаевич	Сешанба (15⁰⁰-18⁰⁰) Чоршанба (15⁰⁰-18⁰⁰)
4.	Проректор	ГУЛАМОВ Абдулазиз Абдуллаевич	Пайшанба (15⁰⁰-18⁰⁰) Жума (15⁰⁰-18⁰⁰)
5.	Проректор	ТУРСУНОВ Шукурали Эҳсонович	Душанба (15⁰⁰-18⁰⁰) Жума (15⁰⁰-18⁰⁰)

ТТЙМИ ишонч телефони: 299-00-01

"Angren Elektrodlari" МЧЖ таъсисчиларнинг 02.11.2016 йилдаги қарорига биноан ўз устав фондини 79000000 сўмдан 39000000 сўмга қисқарганлигини маълум қилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 955-55-11

Спорт янгиликлари





ЎзА олган сурат

ЯНГИ СУВ ҲАВЗАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янгидан бунёд этилган сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо этилган мазкур сув ҳавзаси замонавий талаблар даражасида жиҳозланган.

– Қизим Бекзода беш йилдан буён сузиш тўгарагига қатнайди. Қиш мавсумида қийналар эдик, – дейди Севара Расулова. – Мана қисқа фурсат ичида барча мавсумда шуғулланиш имкониятига эга бўлган янги сув ҳавзаси болаларимиз ихтиёрига топширилди. Фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратиб берилаётган имкониятлардан миннатдормиз.

Тошкент шаҳрида 2003-2015 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 119 та янги спорт иншооти барпо этилди ва реконструкция қилинди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

НАВБАТ БИРИНЧИ ЛИГА ЙЎЛЛАНМАСИГА

Ўзбекистон биринчилиги иккинчи лигаси Тошкент шаҳар минтақаси чемпионатида муддатидан олдин ғолиб жамоа номи маълум бўлди.

"Бунёдкор" футбол мактабининг 1999 йилда таваллуд топган футболчилардан иборат жамоаси кетма-кет ўнта учрашувда ғалаба қозониб, муддатидан олдин ғолибликни қўлга киритди. Шу тариқа, Дилмурод Абдуллаев устозлигидаги ушбу жамоа биринчи лигага йўлланма берувчи ўтиш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қайд этиш керакки, 2016 йил "Бунёдкор-99" вакиллари учун жуда ҳам омадли ўтмоқда. Аввалида ушбу ёш тоифасидаги жамоа "Наврўз" кубогида зафар қучди. Кейин эса "Мустақиллик кубоги" турнирининг ҳал қилувчи финал учрашувида иштирок этди.

Эндиликда, Дилмурод Абдуллаев ўз шогирдлари билан ўтиш турнирида ҳам муваффақиятли қатнашиб, келаси мавсумда ўз иштирокларини биринчи лигада давом эттириши мумкин.

Ботир ХЎЖАЕВ

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг дастлабки финалчиси маълум.

ҲАММАСИ ЖАВОБ БАҲСИДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Қаршининг "Насаф" жамоаси Ўзбекистон Кубоги финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган иккинчи финалчи жамоа номини аниқлаш мақсадида Тошкентда "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари ўзаро куч синашишди. Учрашув мутахассислару, мухлислар кутганидек қизиқарли кечди. Шиддатли ва муросасиз курашлар остида кечган ўйиннинг 84-дақиқасида "Локомотив" ярим ҳимоячиси Сардор Мирзаев томонидан киритилган ягона гол темирйўлчиларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди. Аммо, финалда ўйнаш имкониятига эга бўлиш учун "Бунёдкор" жамоаси ўз майдонида уюштириладиган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг жавоб баҳсида "Локомотив"га муносиб қаршилик кўрсатади, деб умид қилишга асослар етарли.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ўзингиз ва яқинларингиз, уй-жойингиз ҳамда мол-мулкингизни ёнғинлардан асраш мақсадида қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини эслатиш жоиз:

-ёниб турган газ ва электр асбоб-ускуналарини назоратсиз қолдирмаслик;

-носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;

-очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

-электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш;

-бир вақтнинг ўзида бир неча маиший электр асбоб-анжомларини розеткага улаб фойдаланмаслик;

-белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини, қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кунлар совиши ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар.

Фахриддин АРИПБОЕВ,
24-ҲЁҲҚ катта инспектори,
сержант

* * *

Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари тараққиётга қўшаётган ҳиссаларидандир.

Ёнғиндан сақлаш хизмати Ички ишлар вазирлиги таркибида мустаҳкам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланиб, ёнғинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳамжиҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулкини, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишаётир. Бу эса ўзининг ижобий натижасини бериб, йилдан йилга республикамиз ҳудудида бўлаётган ёнғинлар сонининг қисқаришига олиб келмоқда.

Зафар АКБАРОВ,
24-ҲЁҲҚ 8-ҲЁ а/п
смена бошлиғи,
капитан

* * *

Турмушимизда "зангори олов" — газ энг қулай ёнилғи сифатида кенг қўлланилади. Газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш эса ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Озгина эътиборсизлик оқибатида ёнғин келиб чиқиши ва оилага, давлатга моддий зарар етказиши мумкин.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш зарур. Хусусан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Газ печкаларини уч соатдан ортиқ узлуксиз ёқиб қўйиш мумкин эмас. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан ҳисобланади.

Нуриддин БУРХОНОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ "MERCATOR-TRANS" ЧЭК га қарашли автотранспорт воситаларига берилган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Volvo FH12-420	01M001284	AT0035864
Volvo FH12-420	01M001284	AT1385343
Volvo FH 13-400	01M003176	AT0046581
Avtogalantas C212A	01 2126AA	AT0046582
Groenewold	01 1478AA	AT0046586
Mercedes Benz Actros1831	01M002465	AT0046587
Mercedes Benz 1846 LS	01M003358	AT0045694
Schmitz SCS 24	01 2185AA	AT0045699
Mercedes Benz 1844 LS	01M003376	AT0046210
Lecitrailer	01 5688AA	AT0046211
Mercedes Benz Axor 1840	01M003426	AT0046212
Lecitrailer	01 5678AA	AT0046213

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Ks Ind" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 та бўлган бино ва иншоотлар ичидаги ажратилмаган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари (Волочил стан 2 (R.B.D) 8 мм.дан 1 мм.гача, волочил стан 1 (Rolling machine) 16 мм.дан до 8 мм.гача, Экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLVG-650 №0110/1500N/1-8 мм, Мис эритувчи печь UPWARD CUSTING индукцион типдаги, Электр анжом ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burster, тип 2316-V0001, Дизелли генератор DISEL GENERATOR ASKA (model APD 550C) билан бирга тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 419 342 842 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 25 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 23 ноябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 31 октябрдаги № 233-сонида, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги № 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган автотранспорт воситаси "Ким ошди савдо сервис" МЧЖ орқали очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисидаги чоп этилган эълондаги савдо куни 2016 йил 2 декабрь деган сўз:

2016 йил 7 декабрь деб ўқилсин, ва аризаларни қабул қилиш 1 декабргача деган сўз 6 декабргача деб ўқилсин.

Гувоҳнома №5477

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 27 октябрдаги № 231-сонида, ЖИБ Тошкент ш. Яккасарой т. судининг 04.03.2016 йилдаги № 1-71/16-сонли ижро варақасига асосан Учтепа т. СИБ томонидан хатланган автотранспорт воситаси "Ким ошди савдо сервис" МЧЖ орқали очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисидаги чоп этилган эълондаги савдо куни 2016 йил 15 ноябрь деган сўз:

2016 йил 18 ноябрь деб ўқилсин ва аризаларни қабул қилиш 14 ноябргача деган сўз 17 ноябргача деб ўқилсин.

Гувоҳнома №5477

"Ўзагросаноатлойиҳа" МЧЖ жамоаси хўжалик бўлими ходими Хаким Джураевич Қўшматовга волидаи муҳтарамаси

Раъно ая ЮЛДАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзтранслойиҳа" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Спорт-соғломлаштириш ва ўқув маркази қурилиши учун Шайхонтоҳур тумани, Оқтепа даҳаси, Самарқанд дарвоза кўчаси, 7-уй ўнг томонида жойлашган умумий майдони 0.19 га минимал қиймати 11 300 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 500 000 000 сўм.

Талабгорларнинг конвертлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида 2016 йил 6 декабрь куни соат 16:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш 2016 йил 5 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман ва шаҳар архитектура бўлимлари томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорларда буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқорида ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдоси 2016 йил 22 декабрь куни соат 16.00 дан бошлаб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Навбатдаги танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2016 йил 21 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Навбатдаги танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида ўтказилади. 2016 йил 22 декабрь куни соат 16.00 дан бошлаб очилади ва белгиланган тартибда танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги: Х/Р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519га топширадилар.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларини икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – жисмоний шахслар паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсни тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. rieltsavdo@inbox.uz

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.05.2016 йилдаги № 10-1506/15391-сонли ижро варақасига асосан Миробод туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2011 йилда Хитойда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 39-03 НЕ, сариқ рангли, "XG 955 III" русумли автотранспорт (погрузчик) воситаси. Бошланғич баҳоси 128 000 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Бухоро вилояти, Қоровулбозор туман ИИБ биноси ҳовлиси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 декабрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.

Гувоҳнома 5477

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан шарққа томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 5-7 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.35

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ